Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# НОДАВЛАТ СПОРТ-ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ОЛИМПИЯ ВА ПАРАЛИМПИЯ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар нодавлат спорт-таълим муассасаси томонидан жисмоний тарбия ва спорт хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлар **ижара тўлови харажатларини 50 фоизга камайтириш**.

2. Нодавлат спорт-таълим муассасалари Солиқ кодексига асосан **ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар учун белгиланган солиқ имтиёзларидан** фойдаланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (М.Исмаилов) ҳамда Молия вазирлиги (Д.Султанов) нодавлат спорт-таълим муассасалари учун Солиқ кодексида назарда тутилган **солиқ имтиёзлари бўйича кенг тушунтириш ишларини ҳудудлар кесимида амалга оширсин**.

3. Спортни ривожлантириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда **нодавлат спорт-таълим муассасасини божхона божини тўлашдан озод қилишни** (қисман озод қилишни) назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 октябрдаги "Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчилари ва уларнинг тренерларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 878-сон қарорига мувофиқ нуфузли халқаро спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни тайёрлаган давлат спорт-таълим муассасалари тренерларига тўланадиган бир марталик **пул мукофотлари нодавлат спорт-таълим муассасаларида фаолият юритаётган тренерлар учун ҳам татбиқ этилади**.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Ирматов) ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) билан биргаликда икки ой муддатда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда нодавлат спорт-таълим муассасаларининг иқтидорли спортчиларини **аниқлаш, танлаш ва саралаб олиш (селекция)**, шунингдек, уларни Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларининг **асосий ва захира** таркибларига таклиф этишнинг тартибини **тасдиқласин ва амалиётга жорий қилсин**.

6. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилиш мақсадида:

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Ирматов) ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) билан биргаликда бир ой муддатда ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ҳамда совриндор бўлган спортчилар билан учрашиб, **нодавлат спорт-таълим муассасасини ташкил қилиш ниятини билдирган спортчиларнинг аниқ рўйхатини шакллантирсин** ҳамда ушбу рўйхатни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига етказсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиқов) билан биргаликда бир ой муддатда давлат тасарруфидаги **бино ва иншоотларнинг манзилли рўйхатини шакллантирсин**;

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Ирматов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхатга биноан давлат тасарруфидаги бино ва иншоотларнинг нодавлат спорт-таълим муассасасини ташкил қилиш ниятини билдирган спортчиларга **ижара шартномаси асосида** белгиланган тартибда **ажратилишини таъминласин**.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кучимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти тўғрисида махсус кўрсатувлар тайёрланишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда **Нодавлат спорт-таълим муассасаси тўғрисидаги низом**ни тасдиқласин.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов**, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари **Р.С.Ирматов**, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси **М.М.Ташходжаев** ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2023 йил 1 январ**гача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# 2026 ЙИЛ МИЛАН ВА КОРТИНА-Д'АМПЕЦЦО ШАҲАРЛАРИДА (ИТАЛИЯ) БЎЛИБ ЎТАДИГАН XXV ҚИШКИ ОЛИМПИЯ ВА XIV ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИ КОМПЛЕКС ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

**2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш бўйича мақсадли кўрсаткичлар** (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 2-иловага мувофиқ;

**2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўрувчи Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг контингенти** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутиладиган Давлат бюджети маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети маблағлари;

спорт федерация (ассоциация)лари, жамғармалари, клублари, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2023 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида:

фигурали учиш, конькида учиш, шорт-трек, кёрлинг, хоккей, парахоккей ва паракёрлинг бўйича профессионал спортчи, малакали тренер ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш мақсадида **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳудудида замонавий муз саройи барпо этиш**;

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида фристайл, тоғ чанғиси, сноуборд, паратоғ чанғиси, парасноуборд, парахоккей, паракёрлинг каби спорт турларини ривожлантириш мақсадида спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабига қарашли "Пахтакор" спорт базаси негизида **қишки спорт турлари бўйича миллий терма жамоа аъзолари учун 60 ўринга мўлжалланган Олимпия тайёргарлик маркази**ни ташкил этиш;

Тошкент шаҳрида **Қишки спорт турлари бўйича республика ихтисослаштирилган спорт мактабини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда Қишки спорт турлари бўйича республика ихтисослаштирилган спорт мактаби фаолиятини ташкил этиш бўйича **Ҳукумат қарори** лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда **киритсин**.

5. Белгилаб қўйилсинки:

қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни комплекс тайёрлаш ва уларнинг натижадорлигини ошириш мақсадида 2023 йилдан бошлаб ҳар йили **спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасида** қишки Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари (республика спорт мусобақалари, халқаро спорт мусобақалари, ўқув-машғулот йиғинлари, Осиё ҳамда Жаҳон чемпионатлари ва кубоклари) учун **15 миллиард сўмгача маблағлар ажратиш назарда тутилади**;

қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида **ғолиб ва совриндор** бўлган Ўзбекистон спортчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида"ги ПҚ–127-сон қарорининг 1-бандида **кўрсатилган миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади**.

6. Белгилансинки, Мақсадли кўрсаткичлар:

қишки Олимпия ўйинлари бўйича **29 та дастурда** иштирок этиш ҳамда **7 та** спорт тури бўйича **8 та лицензияни** қўлга киритиш, шу жумладан, **3 та** истиқболли олимпия спорт тури (чанғида югуриш, фристайл ва кёрлинг) бўйича **10 та дастурда** иштирок этишни;

қишки Паралимпия ўйинлари бўйича **4 та дастурда** иштирок этиш ҳамда **паратоғ чанғиси бўйича 2 та лицензияни** қўлга киритиш, шу жумладан, парахоккей бўйича дастурда иштирок этишни назарда тутади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси:

Мақсадли кўрсаткичлардаги қишки спорт турлари бўйича дастурларда спортчиларнинг иштирокини таъминласин, бу борада спорт федерация (ассоциация)ларининг фаолиятини самарали ташкил этсин;

спорт федерация (ассоциация)лари раҳбарлари билан биргаликда спортчиларнинг Мақсадли кўрсаткичлардаги дастурларда қатнашиши ва лицензияларни қўлга киритиши учун масъул эканлиги белгилансин.

7. Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда қишки спорт турларини ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи **чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**:

Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрини **фигурали учиш, хоккей, шорт-трек, кёрлинг, парахоккей, паракёрлинг** спорт турларига ихтисослаштириш;

Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли ҳудудларини **тоғ чанғиси, сноуборд, фристайл, ski-альпинизм, паратоғ чанғиси, парасноуборд** спорт турларига ихтисослаштириш;

илғор ва инновацион технологияларни жалб қилган ҳолда салоҳиятли ҳудудларда зарур **инфратузилмани яратиш**, бу борада инвесторларни жалб этиш, уларга бўш ер майдонларини белгиланган тартибда ажратиш ва қурилиш ишларига рухсат бериш;

тоғли ҳудудларда жойлашган спорт-таълим муассасаларида **тоғ чанғиси** ва **ski-альпинизм** бўйича **бўлимлар ташкил этиш** ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

муз саройлари мавжуд ҳудудларда **фигурали учиш, конькида учиш, шорт-трек, кёрлинг, хоккей, парахоккей, паракёрлинг** бўйича **бўлимлар** ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

қишки спорт турлари бўйича **нодавлат спорт-таълим муассасаларини** ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

қишки спорт турлари бўйича ҳудудлар кесимида миллий терма жамоа аъзоларини **шакллантириш** ва 2023 йилдан бошлаб республика мусобақаларида уларнинг **иштирокини тўлиқ молиялаштириш**;

мавжуд салоҳият ва имкониятдан келиб чиқиб, ҳудудларда қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлаш бўйича **ҳомийларни** бириктириш.

8. **2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларига бириктирилган спорт базалари рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда спорт федерация (ассоциация)лари томонидан мазкур қарорга 4-иловага мувофиқ бириктирилаётган спорт базаларидан доимий равишда фойдаланилишини, зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин. Бунда ушбу чора-тадбирлар ўз тизимида тегишли спорт базалари бўлган вазирлик ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан биргаликда:

Дастур бажарилишини тизимли таҳлил ва мониторинг қилиш, масъул вазирлик, идора ва ташкилотларга кўмак бериш ва методик ёрдам кўрсатиш, кўрилаётган чоралар натижалари, миллий терма жамоаларнинг қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик ҳолати, Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича асосли таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиб бориш;

манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда спорт федерация (ассоциация)ларини жалб қилган ҳолда, спорт базаларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, шунингдек, миллий терма жамоаларни тайёрлаш учун қулай ижтимоий, маиший ва моддий шароитлар яратиш бўйича ишларни ўз вақтида ва сифатли ташкил этишни таъминласин.

10. **2026 йил Милан ва Кортина-д'Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси** (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) **ташкил этилсин** ҳамда унинг таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Республика комиссияси (А.Н.Арипов):

икки ой муддатда қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларига зарур шарт-шароитлар яратиш учун уларни тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга бириктирсин, шунингдек, бу борада ушбу ташкилотларнинг аниқ вазифаларини белгиласин;

қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш учун зарур бўладиган бюджет, бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, ҳомийлик хайриялари миқдорини кўриб чиқсин ва белгиласин;

Дастурда назарда тутилган ҳамда манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг зиммасига юклатилган вазифа ва топшириқлар ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатсин, Дастурга мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриб борсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси билан келишилган ҳолда икки ой муддатда миллий терма жамоа спортчиларининг қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига сифатли тайёргарлик кўришини таъминлаш мақсадида ушбу қарорга 2-илова билан тасдиқланган **Мақсадли кўрсаткичларга эришиш** бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

бюджетдан ташқари маблағлар ва ҳомийлик хайриялари ҳисобидан спорт базаларини қуриш, қайта қуриш, капитал таъмирлаш, шунингдек, улардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари, шу жумладан, автотранспорт воситалари билан таъминлаш;

қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўраётган миллий терма жамоа спортчилари, тренерлари ва бошқа мутахассисларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг маиший шароитларини яхшилаш;

республика ва халқаро спорт тадбирлари ҳамда ўқув-машғулот йиғинларида қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўраётган ҳудудий терма жамоа спортчилари, тренерлари ва бошқа спорт мутахассисларининг узлуксиз иштирокини таъминлаш;

жойларда қишки олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида спорт федерация (ассоциация)ларининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

13. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон спортчилари тўғрисида қисқа метражли видеороликлар ҳамда махсус кўрсатувлар тайёрланишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги ПҚ–4583-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистонда қишки спорт турларини 2020 — 2023 йилларда ривожлантириш дастурига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов**, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари **Р.С.Ирматов**, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси **М.М.Ташходжаев**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **ҳар йили 1 январгача** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 июль

# МЕҲР-САХОВАТ ВА ОСОЙИШТАЛИК БАЙРАМИ

1

Фуқароларнинг маиший диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида республикада фаолият олиб бораётган диний таълим муассасалари, илмий мактаблар ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоят вакилликлари қошида, шунингдек, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида "Қуръони карим ва тажвид" курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим жиҳат фуқароларимизнинг муқаддас зиёратга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш мақсадида "COVID-19" пандемияси сабабли тўхтатилган узоқ муддатли танаффусдан кейин, шу йилнинг 22 январь куни зиёратчиларимизнинг дастлабки гуруҳлари Саудия Арабистонига Умра сафарига жўнатилган эди.

Натижада 2022 йил 22 январдан 15 майгача 40 мингга яқин зиёратчилар Умра амалини бажарди. Эътиборли жиҳати Умра зиёрати учун Тошкент — Мадина ва Тошкент — Жидда йўналишларида ҳар куни биттадан, айрим ҳолларда иккитадан махсус авиарейслар ташкил қилинди.

Бугунги кунда 12 минг нафар зиёратчи эса Ҳаж амалларини бажариш учун муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларига етиб борди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий Ҳаж мавсумига квотанинг оширилгани, шубҳасиз, юртимиз зиёратчилари учун жуда катта хушхабар бўлди. Бу йил юртдошларимиз Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба бундай катта ададда зиёратга бордилар.

Ҳозирги кунда зиёратчиларнинг Ҳаж амалларини эмин-эркин адо этишлари учун барча қулайлик яратилган: махсус ишчи гуруҳи, тиббиёт ва ошпазлардан иборат ходимлар ҳожиларнинг соғлом, хавфсиз тарзда амалларни бажаришларига хизмат қилмоқда. Юртдошларимиз Маккаи мукаррамадаги мўътабар масканларда туриб юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва яқинларининг саломатлигини сўраб дуолар қилишмоқда.

Бундай хурсандчилик шукуҳи мамлакатимизда ҳам кезиб юрибди. Давлатимиз раҳбари қарори билан жорий йилнинг 9 июль куни Қурбон ҳайити — Ийд ал-Адҳонинг биринчи куни деб эълон қилингани ҳамда яна қўшимча равишда дам олиш кунларининг белгилангани юртдошларимизни бениҳоя шод этди.

Қурбон ҳайити асрлар мобайнида аждодларимиз томонидан катта тантана ва хурсандчилик билан ўтказилган. Бу кунда кексалар, беморлар ҳолидан хабар олинган, ижтимоий муҳтож қатлам вакилларига моддий ёрдамлар кўрсатилган, ўзаро совғалар берилган. Қурбонлик учун сўйилган гўштдан нафақат ўз хонадони, балки қўни-қўшни, қариндош-уруғ, бева-бечораларга ҳам улашилган.

Бугунги кунда ҳам юртимизда ушбу қадрият бардавом. Ийд ал-Адҳо ибодати адо этилгач, оила бошлиқлари ўз оилаларига ширинликлар ва бошқа нознеъматлар олиб киради. Ота-она, қариндошлар ҳолидан хабар олинади, қурбонликлар қилинади ва у маҳалла аҳли, эҳтиёжманд инсонлар билан бирга баҳам кўрилади.

Сир эмас, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда диний эркинлик, динлараро барқарорлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш борасида жиддий қадамлар ташланди. Бу ижобий ўзгаришлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

Халқаро диний эркинликлар бўйича экспертлар, соҳа мутахассислари мамлакатимизга ташрифи чоғида диний эркинликни таъминлаш, амалдаги нормаларни соддалаштириш, радикализмга қарши курашиш, қолаверса, маърифий ислом ғояларини илгари суриш борасидаги амалий ишларга ўзлари бевосита гувоҳ бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан минглаб маҳкумларнинг афв этилиши, фуқароларнинг турли рўйхатлардан чиқарилиши, шунингдек, "Меҳр" операциялари доирасида можароли ҳудудлардан аёллар ва ёш болаларнинг юртимизга олиб келиниши юқори даражадаги ислоҳотлар сифатида экспертлар томонидан эътироф этилди.

Яқинда юртимизда кенг нишонланадиган Қурбон ҳайити моҳиятида ҳам саховат, бирдамлик, ўзаро аҳиллик, иноқлик ва ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталик сингари энг эзгу ғоялар мужассамдир. Ушбу байрам барчамизга хурсандчилик ва фаровонлик олиб келсин.

**Давронбек МАХСУДОВ,**
**Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари.**

## Сенат қўмиталарида

*Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунга ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.*

# ҚОНУНЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Дастлаб янги таҳрирдаги "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун атрофлича муҳокама этилиб, бу ҳужжатнинг мақсади ва вазифалари ҳамда уни қўллаш имкониятлари янада кенгайтирилгани, ўзбошимчалик ва ваколатни суиистеъмол қилинишини тақиқлаш, ҳуқуқни қўллашни рад этишга йўл қўйилмаслиги каби янги принциплар билан тўлдирилгани эътироф этилди.

Мазкур қонуннинг кучга кириши натижасида оддий фуқароларга бир қатор енгилликлар яратилади. Хусусан, "умумий вакил" институти, яъни битта мурожаат бўйича 50 ва ундан ортиқ фуқаролар иштирок этаётган бўлса, улар томонидан умумий битта вакил тайинланиши белгиланмоқда. Айни чоғда маъмурий иш чўзилиб кетишининг олдини олиш мақсадида барча жараённи битта мажлисда кўриб чиқиш чоралари ҳам назарда тутилаётир.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди. У билан Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартишлар киритилмоқда. Шулар юзасидан иштирокчиларнинг фикрлари эшитилди.

Таъкидланишича, моддий маданий мерос объектлари муҳофазаси бўйича жавобгарликни белгилаш ўта муҳим масалалардан ҳисобланиб, Жиноят кодексининг тегишли моддаларини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жавобгарлик белгиланиши қўллаб-қувватланди.

Қонун билан киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида якка тартибдаги тадбиркорлик томонидан йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказганлик учун ўз фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси таъминланиши, халқимизга хос бўлган миллий ва умуминсоний қадриятлар, муқаддас қадамжоларимизнинг муносиб сақланиши, ёдгорликларга ҳурматсизлик ёки уларни таҳқирлаш билан муносабатда бўлиш ҳолатларининг олди олинишига ҳамда электрон пул маблағлари, пластик карталардаги пул маблағини талон-торож қилиш каби ўғрилик ва фирибгарлик жиноятларининг олди олинишига эришилади.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли хулосалари тасдиқланиб, Сенат Кенгашига тақдим этиладиган бўлди.

# ХОРИЖДА ИШЛАБ ҚАЙТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, вазирлик масъуллари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.*

Мажлисда хорижда ишлаб қайтган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошлиғининг ахбороти эшитилди.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан хорижда ишлаб қайтган меҳнат мигрантларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар бажарилгани қайд этилди.

Хусусан, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида агентликнинг хорижда 19 та вакиллик институти — Россия Федерациясида 16 та, Жанубий Корея, Қозоғистон ва Туркияда биттадан ташкил этилган. Таъкидланганидек, 2022 йилнинг беш ойи давомида агентлик ва унинг вакиллик институтлари, Ўзбекистоннинг чет мамлакатлардаги консуллик муассасалари томонидан 17,6 минг нафар аёлга, жумладан, 16,6 минг нафарига ахборот ва маслаҳатлар, 383 нафарига ҳуқуқий, 546 нафарига ижтимоий, 148 нафарига эса моддий ёрдам кўрсатилган.

"Маҳалла — меҳнат органлари — сектор — Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиали" тизими асосида хориждан қайтган 343,7 минг меҳнат мигрантдан 285 минг нафарининг ҳолати уйма-уй юриб ўрганилди. Меҳнат органлари ёрдамида меҳнат миграциясидан қайтиб келган 36,9 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Агентлик томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда барча ҳудудда меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқароларни тадбиркорликка ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этишга қаратилган "Тадбиркор мигрант" лойиҳаси йўлга қўйилган.

Шунингдек, тадбирда жорий йилнинг беш ойи давомида 278 хотин-қиз тадбиркорликка ўқитилгани ва уларнинг 168 нафари шу йўналиш бўйича фаолият бошлагани айтиб ўтилди. Эътиборлиси, ушбу хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳаларига ўз маблағлари ҳисобидан 376 млн. сўм, банк кредити ҳисобидан 1,4 млрд. сўм, жами 1,8 млрд. сўм маблағ жалб этилган. Янги очилган корхоналарда 400 га яқин иш ўринлари яратилган.

Сенаторлар томонидан хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳукумат олдида турган устувор масалалардан бири эканлиги ҳам алоҳида қайд этилди.

Мажлисда кўрилган масала бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИ НОРМАЛАР ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудларда бўлиб, Конституцияга киритилаётган ўзгартишларга бағишланган тарғибот тадбирларини ўтказаётгани ҳақида хабар берган эдик.*

## Депутатлар — ҳудудларда

Худди шу мавзудаги тадбирлардан бири Термиз туманида бўлиб ўтди. Унда парламент қуйи палатаси депутати Ботир Мардаев иштирок этиб, йиғилганларга Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритди.

— Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида илғор хорижий тажриба — 100 дан ортиқ давлатларнинг Конституциялари ўрганилди, — дейди Б. Мардаев. — Бош қомусимизга киритилаётган асосий тузатишлардан бири, бу — фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини, хусусий мулкчиликни, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини ҳимоя қилишга қаратилгани эътиборга молик. Зеро, мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминламасдан иқтисодий ривожланишга эришиш мушкул.

Тадбирда сўз олганлар ҳозирги шароитда конституциявий ислоҳотлар ғоят муҳимлигини айтиб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр ва таклифларини билдирди.

* * *

Элликқалъа тумани ҳокимлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Зуҳра Ибрагимова иштирокида Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига бағишланган тадбир ўтказилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, туман ҳокими ўринбосарлари, маҳалла раислари ва масъуллар қатнашди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси "Инсон — жамият — давлат", "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган тамойилларни конституциявий қоида сифатида муҳрлашга, халқпарвар давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлашга қаратилган.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, жумладан, парламент ваколатларини кенгайтириш, Президентлик институтини такомиллаштириш, жойлардаги вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини ажратишни янада мустаҳкамлаш масалаларини ҳам ўз ичига олган.

Конституциявий қонун лойиҳаси билан ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига ҳам раҳбарлик қилиши ҳақидаги норма чиқариб ташланмоқда, халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимларнинг ваколатлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Бундан ташқари, парламентга коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани муҳокама қилиш ваколати берилмоқда.

Самимий руҳда ўтган мулоқотда иштирокчилар қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклифларини билдирди.

* * *

Худди шунингдек, Тупроққалъа тумани ҳокимлигида ҳам Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нигора Қутлимуратова ҳужжат лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, унинг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши халқимиз орзу-умидлари ва истакларига тўла мос келишини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, депутат тадбир иштирокчиларига мазкур Конституциявий қонун лойиҳасидаги ҳар бир боб ва моддага киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида батафсил тушунтириш берди.

Баҳс-мунозараларга бой ўтган учрашувда қатнашчилар ҳам ўз таклиф, фикр-мулоҳазаларини билдирди ва мазкур амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқ фикрининг инобатга олиниши, Конституциявий қонун лойиҳасида инсон қадри янада улуғланиб, ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ кафолатланиши эркин ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилгани билан эътиборга моликлиги эътироф этилди.

Шундай тадбирларнинг бири Ҳазорасп тумани ҳокимлигида ҳам бўлиб ўтди.

* * *

Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Жомбой туманларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Вафоев томонидан ўтказилаётган учрашувларда Конституциямизга киритилаётган ўзгартишларни фуқароларимиз фаол қўллаб-қувватлашмоқда.

Шу билан бирга, жонажон Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз қонунчилигимизни янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини ҳам беришда давом этяпти. Ушбу жараёнда фуқароларимизнинг фаол иштироки ва билдираётган таклифлари юртдошларимиз Ватанимиз тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётганининг, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги йилдан-йилга ўсиб бораётганининг яққол исботидир.

Жомбой туманида бўлиб ўтган учрашувларда тадбир иштирокчилари томонидан Конституциямизга киритилаётган ўзгартишлар кўтаринкилик билан кутиб олинди. Жумладан, "педагог ходимларнинг мақомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш жамият ва давлатнинг энг муҳим вазифаси, деб эътироф этилиши, педагог ходимларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва обрў-эътибори давлат ҳимоясида эканлиги конституциявий кафолатланиши, шунингдек, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашишга, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига монелик қилишга йўл қўйилмаслиги" Конституциямизда қатъий белгиланаётгани тадбир иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди.

Конституцияга киритиладиган қўшимчалар педагог ходимларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланиши, ўз касбий фаолиятини бажариши, уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини кўтариш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун кафолатлар беришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, тадбирда иштирок этган педагоглар томонидан мазкур йўналишда қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳам билдирилди. Жумладан, педагогларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланишини Бош қомусимиз нормасида белгилаб қўйиш билан бирга, келгусида ушбу муҳим норманинг ижро механизмини алоҳида қонун билан мустаҳкамлаш таклиф қилинди.

Учрашувлар, мулоқотлар кўтаринки руҳда давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ИСТИҚЛОЛИМИЗ, ФАХР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

◄1

2 июль — давлатимиз герби қабул қилинган кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланади. Шу муносабат билан жойларда таниқли олимлар, ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, эстрада хонандалари, Миллий гвардия, Мудофаа вазирлигининг ҳарбий оркестрлари иштирокида маънавий-маърифий ва илмий-амалий, бадиий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро давлат рамзлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ҳурмат билан муносабатда бўлиши қонунчилигимизда белгилаб қўйилган. Миллий тимсолларга ҳурмат мактабгача таълим масканларидан бошланиб, ёш авлод онгига сингдирилади. Бу эса улғайиб келаётган ўғил-қизларда ўзи туғилиб ўсган юрт тақдири учун дахлдорлик, ватанпарварлик, фидойилик, фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси гербини давлат органларининг биноларида, хизмат хоналарида, қонун ҳужжатлари бланкаларида, давлат органлари ва ташкилотларнинг муҳрларида, бошқа объект ҳамда предметларда акс эттириш қатъий тартиб билан белгиланди.

Давлат гербидан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкинлиги назарда тутилади.

Давлат гербининг элементлари нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмаслиги, унинг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш ман этилиши, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидалар белгиланган. Шунингдек, Давлат гербидан фойдаланиш давлат чегараларида хизмат ўтаётган божхона хизмати идоралари ва ҳамкор идоралар фаолиятида ҳам белгиланган қатъий тартиб асосида назорат қилинади.

— Ўзбек давлатчилигининг вужудга келишида, шаклланишида давлат рамзлари тарихий жараёнларда сайқал топган, мукаммаллик касб этган, — дейди Урганч шаҳридаги "Data Union" МЧЖ директори, куни кеча Президентимиз қарори билан "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланган Шаҳзод Собиров. — Эътибор билан қарасангиз, мустақил Ўзбекистон Республикаси гербини тайёрлашда барча омиллар ҳисобга олинганини кўрасиз. Шахсан мен ҳар гал давлатимиз рамзига нигоҳим тушганида, кўз олдимда дунё тамаддунида бой маданий мероси билан ном қолдирган, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби кўплаб алломаю саркардалар, буюк давлатчилигимизга тамал тоши қўйган улуғ инсонларнинг беқиёс хизматлари намоён бўлади ва бу билан ғурурланаман. Уларга муносиб фарзандлар сафида бўлишга ҳаракат қиламан.

Ўзида миллий-маданий анъаналарни мужассамлаштирган, мамлакатимизнинг дунёда халқаро ҳамжамиятнинг тенглар ичра тенг аъзоси эканлигини англатадиган давлатимиз герби тинч-осойишта, озод ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган ишончимиз, фахр-ифтихоримиз тимсолидир.

**Тўлқин ҲАЙИТ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.**

## Қўшма мажлис

# ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИ ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАР АСОСИДА МАРОМИГА ЕТКАЗИЛЯПТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда умумхалқ муҳокамасига қўйилган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан келиб тушаётган таклиф ва мулоҳазаларни лойиҳада акс эттириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси қизғин паллага кирди. Мазкур жараёнда Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар ва Конституциявий комиссия аъзолари томонидан ҳудудлардаги давлат ва нодавлат ташкилотларда, маҳаллаларда қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда.

Учрашувларда Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилгани тўғри бўлганлиги фуқаролар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Мулоқотлар жараёнида аҳоли томонидан депутатларга, сенаторларга, Конституциявий комиссия аъзоларига кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилганидан буён жами келиб тушган таклифлар сони 20 мингдан ошиб кетди. Келиб тушаётган таклифларнинг сони ҳамда ҳажмини ҳисобга олган ҳолда масъул қўмиталар аъзолари, Конституциявий комиссия ҳузурида тузилган Таклифлар билан ишлаш ва Йиғма ахборот-таҳлил гуруҳлари томонидан ушбу таклифлар ишчи тартибида мунтазам равишда кўриб чиқилиб, таҳлил қилинмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳасида назарда тутилган ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканлиги, ҳеч бир шахс ўз мол-мулкидан суднинг қарорисиз маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, педагог ходимлар мақомининг мустаҳкамланиши, давлат томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш учун зарур тенг шароитларнинг яратилиши ҳақидаги янгиликлар кўплаб фуқароларимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Шунингдек, давлат ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд ва кам таъминланган, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаши, давлат болалар ҳамда ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиши, хусусий мулк дахлсизлиги ва давлат томонидан ҳимоя қилиниши, адвокатнинг шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятининг кафолатлари кучайтирилиши, Давлат бюджетининг шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, парламент ва Президентлик институтининг такомиллаштирилиши билан боғлиқ нормалар аҳоли томонидан кўтаринкилик билан қабул қилинаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Қайд этилганидек, юртдошларимиз Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ўз таклифларини билдириб, фаол фуқаролик позициясини намоён этмоқда. Бу эса халқимизнинг мамлакатда бўлаётган кенг кўламли ўзгаришларга бефарқ эмаслигини, ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлишга интилаётганини, конституциявий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганини кўрсатмоқда.

Ўтган вақт мобайнида масъул қўмиталар ва Конституциявий комиссия томонидан умумхалқ муҳокамаси давомида келиб тушган таклифларнинг асосли деб топилганлари асосида Конституциявий қонун лойиҳаси маромига етказиляпти.

Тадбир якунида қўмиталар томонидан Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Конституциявий комиссия**
**Матбуот хизмати.**

# «УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛАРИГА АЙЛАНАМИЗ!»

◄1

Ушбу янгиликлар етакчиларимизни янада фаол бўлишга, ўз ташаббускорлигини, фидойилигини намоён этишга ундайди. Зеро, уларнинг олий маълумот олиши давлат томонидан рағбатлантирилаётгани — катта имконият. Бундан унумли фойдаланиб, яқин йиллар ичида етакчиларнинг деярли барчаси олий маълумотга эга бўлиши, агар олий маълумотли бўлса, иккинчи мутахассислик бўйича таълим олиши мумкин.



Шунингдек, "Ёш раҳбар кадрлар захираси" шакллантирилиб, унинг 30 фоизи ёшлар етакчилари ҳисобидан тўлдирилиши таклифи ҳам биз учун жуда катта мотивация бўлди. Шубҳа йўқки, бундан кейин етакчиларимиз янада катта куч, ғайрат ва шижоат билан ишлайди, бу ҳаракатлар натижасида эса қатор ёшларнинг орзулари рўёбга чиқади, улар ҳаётда ўз йўлини топади, мақсад-муддаоларига эришади.

Елкамизда маҳаллалардаги ҳар бир ёшнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, муаммолари бўлса ечим топиш, уларни ўзи қизиққан соҳа бўйича йўналтириш каби масъулиятли вазифалар турибди. Ҳар бир масъул етакчимиз "Ёшларнинг бўш вақти — етакчининг иш вақти" тамойили асосида сидқидилдан фаолият кўрсатса, истаган марраларимизга, албатта, ета оламиз.

**Индира ХОЛДОРОВА,**
**Ёшлар ишлари агентлигининг Беш ташаббус лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи:**



— Ўзбекистон ёшлари истеъдод эгалари. Фақат уларнинг иқтидорларини юзага чиқаришда "ёрдамчи қўл" бўла олиш керак, холос. Жорий йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳаллаларда ёшлар билан ишлашнинг янгича тизими яратилгани бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Янги тизим ҳар бир маҳалла, кўчадаги йигит-қизларнинг ҳаётини яхшилашга ёрдам бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тизим ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишдан ташқари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ҳам ўз ичига олган бўлиб, ҳозир у кўпчиликка "Беш ташаббус олимпиадаси" номи билан танилиб улгурган. Жорий йил олимпиада орқали бутун республикамиз бўйлаб 6 миллиондан ортиқ ёшлар қамраб олинди. Китобхонлик, маданият ва санъат, интеллектуал ўйинлар, ахборот технологиялари ҳамда спорт турлари бўйича ўтказилган тадбирлар бизга чекка жойлардаги иқтидорли ёшларни кашф қилиш имконини ҳам берди.

Биргина мисол, "Бўзатов фестивали"да "Эстрада" йўналишидаги 16 — 22 ёш тоифасида қатнашган жиззахлик Ҳожиакбар 1-ўринни қўлга киритди. Бу йигит маҳаллада кашф қилинди, ҳеч қаерда ўқимайди, уюшмаган ёшлардан. Бу йигит Амир Темур хиёбонидаги ер ости йўлагида гитара чаларди. Шу ёш иқтидоримиз маҳалладан эшитиб, "Бўзатов фестивали"да иштирок этди ва ғолиб бўлди, бу орқали унинг қалбида келажакка ишонч пайдо бўлди, олдига янгидан-янги мақсадларни қўйди.

Юртбошимиз ўз нутқида "Беш ташаббус олимпиадаси"ни ҳар йили икки марта ўтказиш таклифини илгари сурганида ёшлар бир овоздан қўллаб-қувватлашди. Бу олимпиада орқали биз барча ёшга "Иқтидорлимисан? Ўзингни кўрсат, ўз йўлингни топ, муваффақиятга эриш!" чорлови билан мурожаат қилдик. Бунга жавобан ёшларнинг унда қатнашиб, ҳам маънавий, ҳам жисмоний, ҳам моддий томондан рағбатга эга бўлиши бизнинг мақсадимиз, тилагимиздир.

Галдаги "Беш ташаббус олимпиадаси" шу йилнинг август ойида ташкиллаштирилади, ғолиблар декабрь ойидаги Ёшлар форумида тақдирланади. Демак, азиз ёшлар, барчангизни олимпиадада кутамиз!

**Меҳриноз АББОСОВА,**
**Ёшлар ишлари агентлиги раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси:**

— Президентимиз ёшларга академик шоир Ғафур Ғуломнинг "Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз, Не учун елкамни тутиб бермайин?" деган оташин мисралари билан мурожаат қилар экан, ҳозирда давлатимиз томонидан яратилаётган шароитларнинг барчаси халқимизнинг келажаги саналган ёшлар учунлигини яна бир бор таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ватанимиз биз, ёшларнинг осмон қадар юксалишимиз учун барча имкониятларни яратмоқда, шоир таъбири билан айтганда, эркин парвоз қилишимиз учун елка тутиб бермоқда.

Яқинда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамкорликда "WikiStipendiya" марафонини йўлга қўйди. Мазкур лойиҳа интернет тармоғида ўзбек тилидаги сифатли маълумотларни кўпайтириш ва иқтидорли талабаларни муносиб рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, айни пайтда жараён қизғин давом этмоқда. Марафон якунида энг фаол қатнашган иштирокчилар бир марталик стипендия билан тақдирланади.



Ҳаракатларимиз самараси ўлароқ апрель ойида ўзбекча Википедия саҳифалари 14 миллиондан ортиқ марта кўрилди. Бу лойиҳа орқали биз ўзбек миллий, маданий-маънавий бойликларини, қадрият ва урф-одатларини жаҳонга тараннум этишни мақсад қилганмиз.

Давлатимиз раҳбари байрам дастуридаги нутқида лойиҳамиз ҳақида алоҳида тўхталиб, унинг ривожи учун 10 миллиард сўм ажратилишини таъкидлаб ўтди. Очиғини айтсам, бу фикр бизни янада илҳомлантиради, лойиҳани кенгайтириб, ўз йўлимиздан оғишмай боришимизга туртки бўлади, албатта.

**Гулайим ОТЕШОВА,**
**«Келажак бунёдкори» медали соҳиби, Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич талабаси:**



— Келажакни ким бунёд этади? Табиийки, юрагида ватанпарварлик ҳисси жўш урган, ўз меҳнатларини фақат шу юрт, шу халқ учун бағишлайдиган, замонавий фикрлайдиган ёшлар.

Президентимиз Фармонига мувофиқ, куни кеча "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланганимдан ниҳоятда фахрланиб кетдим. Келажак бунёдкорлари сафида туриш нафақат улкан шараф, балки катта масъулият ҳам. Эндиликда янада бор ғайратим билан ижод қилишга, меҳнатдан тўхтамасликка интиламан.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан тез-тез учрашиб, дилдан суҳбат қуриши яхши анъанага айланди. Ёшлар кунига бағишланган тантанали байрамда ҳам давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан бевосита учрашиб, жуда муҳим масалалар ҳақида сўз очгани, йигит-қизлар ва уларнинг ота-оналари учун манфаатли ташаббусларни илгари сургани барчамизнинг ҳаётимизда тарихий воқеа бўлди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда биз, янги Ўзбекистон ёшларига бутун дунё ҳавас билан боқяпти. Ахир ҳавас қилмай бўладими, ҳаётимиз буткул ўзгариб кетди: ҳоким бизни излаб келади, муаммоларимиз билан қизиқади, давлат молиявий томондан бизни қўллаб-қувватлаяпти. Буларнинг барчаси нима учун? Албатта, ўз йўлимизни топишимиз, ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз учун!

Юртбошимизнинг тантанали маросимдаги нутқи ва унда билдирилган фикрлар, топшириқ ва вазифалар ҳам Ўзбекистон ёшлари ҳаётида ўзгача туб бурилиш ясаши, уларнинг келгуси фаолиятида муҳим дастуриламал бўлиши, шубҳасиз.

**Муроджон РАҲМАТОВ,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси:**



— Мамлакатимизда таълим олиш, ўқиб-ўрганиш учун барча шароит яратиб берилаётгани билимга чанқоқ ёшларнинг бахтидир. Биз бахтли авлод вакилларимиз, чунки илмимиз орқали дунёга чиқяпмиз, жаҳон бизни тан оляпти.

Ҳар бир ёш учун хориж олийгоҳларида таълим олиш энг катта орзулардан биридир. Албатта, хорижда ўқиб, ўз билим даражасини ошириб қайтган мутахассисга бошқача кўз билан қарашади. Бироқ бугун ўзимизнинг олий таълим муассасалари ҳам салмоқли натижаларга эришяпти. Уларда ўқиётган, ижод қилаётган, билим олишни ҳаётининг мазмунига айлантирган ёшларнинг халқаро ва миллий танловлардаги ютуқларини кўриб, ўз олийгоҳларимиз ҳам хорижникидан асло кам эмас, деган хулосага келиш мумкин. Буни таълим жараёнида ҳам исботлаб келяпман.

Куни кеча "Мард ўғлон" давлат мукофотини қабул қилиб олдим. Бу хушхабардан оиламдагилар, яқинларимнинг қувончи чексиз, ота-онам эса "Ўғлим давлат мукофотини олди" дея мамнун. Эндиликда елкамдаги масъулият ҳисси икки баравар ошди. Президентимиз оталарча меҳр кўрсатиб, бизга қарата "Сизларга барчамиз ишонамиз!" деди, бунга жавобан бу ишончни, албатта, оқлаймиз дея бир овоздан айтдик.

Унутмаслик керакки, бу ишончни, ёшларга берилаётган эътибор ва имкониятларни ҳар биримиз оқлашимиз, халқимиз келажаги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишимиз, ҳамиша ижод ва изланишда бўлишимиз даркор. Шунда, шубҳасиз, учинчи Ренессанс бунёдкорларига айланамиз!

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

